

Ўлим жазосини бекор қилинганлиги жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўладими?

Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланишини босқичма-босқич амалга ошириш тўғрисидаги Президентимиз томонидан илгари сурилган ғояга қатъий амал қилинганлиги туфайли, мамлакатимиз ҳаётининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришилди. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш туфайли Жиноят, Жиноят процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга кўплаб қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилиб, уларнинг инсонпарварлик принципи янада оширилди.

Агарда жиноят қонунининг инсонпарварлик принципи асосан жиноят содир қилишда айбланаётган шахсга нисбатан татбиқ этилиши тушунилган бўлса, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошланиши билан биринчи навбатда жабрланувчиларга нисбатан татбиқ этилиши назарда тутилди. Бу борада Жиноят кодексига 66¹-модданинг (ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш) киритилганлигининг мисол тариқасида келтиришнинг ўзи kifoya.

Жиноят қонунининг нормаларидаги санкцияларда ўлим жазо чоралари енгиллаштирилиб, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо тайинланадиган бўлди. Айниқса, Ўзбекистонда жиноий жазоларни босқичама-босқич либераллаштирилиб боришининг ўлим жазосига нисбатан ҳам татбиқ қилиниши, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг катта ютуқларидан бири бўлди.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида амалда бўлган, яъни 1959 йили қабул қилиниб 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддасида ўлим жазоси назарда тутилган эди.

Ўзбекистон ўз мустақиллигига эришганидан кейин 1994 йил 22 сентябрда мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Жиноят кодексини қабул қилди. Мазур кодекс қабул қилинган вақтда Ўзбекистон ғоят мураккаб даврни бошдан кечирмоқда эди. Мамлакат яхлитлигини сақлаш аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш энг асосий вазифалардан бири эди. Жиноятчиликка қарши кураш масаласи жуда кескин қўйилган ва оғир жазо чораларини қўллашга мойиллик кучлироқ бўлди. Шунга мувофиқ равишда янги қабул қилинган Жиноят кодексининг 13-моддасида ўлим жазоси назарда тутилди.

Президентимиз И.Каримов томонидан белгилаб берилган мамлакатимизда ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш принципига амал қилган ҳолда, ўлим жазоси Жиноят кодексига босқичма-босқич камайтирилиб борилди. 1998 йилга келиб бу жазо Жиноят кодексининг 8 та моддасида, 2001 йилга келиб бу жазо 4 та моддасида, 2003 йилга келиб эса фақат иккита моддасида яъни, жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модданинг 2-қисми) ва терроризмнинг

** ТДЮИ доценти, ю.ф.н.

жавобгарликни оғирлаштирадиган турлари учун (155-модданинг 3-қисми) ўлим жазоси назарда тутилди. 2005 йил 1 август куні Ўзбекистон Республикаси Президенти “Ўзбекистон Республикаси ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида”ги фармони чиқди ва ушбу фармонда 2008 йил 1 январдан жиноий жазо сифатида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисидаги кўрсатилган эди. Шундай қилиб, 2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси Жиноят кодексида таъминланган қилиб қўйилган.

Ўлим жазосини жиноий жазо сифатида Жиноят кодексида назарда тутилганлиги жиноятчиликнинг кўпайиб кетишига таъсир қилиши мумкинми? Ушбу мавзу тадқиқ қилган деярли барча мутахассислар ўлим жазосини Жиноят қонунида назарда тутилганлиги, жиноятчиликнинг даражасига ҳеч қандай таъсир кўрсатмаслигини таъкидлаганлар. Айрим олимлар ҳатто шундай мисол келтирганларки, ўлим жазоси очикдан-очик ижро этилган пайтида оломон ўртасида вазиятдан фойдаланиб ўғрилик жиноятини содир қилганлар.

Ўлим жазосини ижро этишнинг жуда даҳшатли усуллари очикдан-очик ижро этилганлигига қарамай жиноятчиликда камайиш юз бермаган. Қонунда ўлим жазоси назарда тутилган давлатларда 20 асрда жиноятчиликнинг бир донага камайтира олган давлат бўлмади. Ҳатто ўзини энг демократик давлат деб ҳисоблайдиган АҚШнинг 38 штатида ўлим жазоси назарда тутилганлиги қарамай, бу штатларда жиноятларнинг камайиши юз бермади. Ҳатто АҚШнинг 24 штатида ўлим жазоси вояга етмаганларга (18 ёшга тўлмаганларга) нисбатан қўлланиши мумкинлиги назарда тутилган ва бу жазо уларга нисбатан ҳам тайинланиб, ижро этилган ҳоллари бор. Аммо бу билан ўша штатларда вояга етмаганлар жиноятларнинг камайиши юз бермади.

Собиқ Совет иттифоқи даврида, шунингдек Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки йилларида Жиноят кодексининг 30 дан ортиқ моддасида ўлим жазоси назарда тутилган бўлишига қарамай жиноятчилик, шу жумладан оғир ва ўта оғир жиноятлар йилдан йилга кўпайиб борди.

Ўзбекистонда ўлим жазоси жиноят қонунида босқичма-босқич камайиб борганлигига қарамасдан жиноятчиликда камайиш юз бермади.

Жиноят қонунида жиноят учун жазолашнинг мақсади кўрсатилган бўлиб, (ЖК 42-моддаси) ана шу мақсадларнинг энг муҳими маҳкумнинг ахлоқ тузатишдан иборат. Ўлим жазоси эса жиноят қонунида назарда тутилган ана шу қоидага таъминланган ҳилоф бўлиб, бу жазо айбдорнинг содир қилган жинояти учун қасд олиш бўлиб маҳкумга нисбатан ахлоқ тузатиш мақсади қўйилмай, уни жисмоний жиҳатдан йўқ қилишдан иборатдир.

Демак, Жиноят қонунида ўлим жазосининг мавжудлиги Жиноят қонунининг энг муҳим принципига ҳилофдир.

Ўзбекистонда ўлим жазосини жиноят қонунида босқичма-босқич камайтириб берилганлиги ва Жиноят кодексида таъминланган қилиб қўйилган фақат ҳуқуқий, ахлоқий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб қолмасдан, сиёсий аҳамияти шундаки, ҳозирги даврда (2005 йил январь ойидан ҳисобидан) 112 мамлакатнинг Жиноят қонунида ўлим жазоси назарда тутилмаган ва Ўзбекистон ҳам ана шу давлатларнинг гуруҳига кирди ва халқаро майдонда унинг обрўини янада оширди.

Аммо ўлим жазосини бекор қилиниши тўғри эмас, маҳкумларни сақлаш ва яшаш шароитини таъминлаб туриш учун давлат ўз бюджетининг анчагина қисмини сарф қилишга тўғри келади. Бу жазони ижро этишда эса деярли бюджет маблағи сарф қилинмайди деб ҳисобловчилар ҳам йўқ эмас.

Аммо ўлим жазосини ижро этиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш шароитида сақлашга нисбатан давлатга арзонга тушмайди.

Масалан, АҚШда ўлим жазосини ижро этишнинг қиймати ҳар бир ижро этилган жазо ўрта ҳисобда 2 миллион долларни ташкил этмоқда. Бу миқдор маҳкумнинг умрбод қамоқда сақлашга нисбатан уч барабардан кўпроқни ташкил этмоқда.

Ўлим жазосини қонунда назарда тутилганлиги аввало, жиноят қонунини репрессив хусусиятини кучайтириб турса, ҳозирги ғоят мураккаб даврда суд хатоларининг юз беришига ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бундай хатолар ўлим жазосига тайинланиши шарт бўлмаган шахсга нисбатан шундай жазо турини тайнлаш ёки айбсиз кишига нисбатан ўлим жазосини тайинлаш тарзда бўлиши мумкин. Бундай хатолар тарихда ва яқин ўтмишда кўплаб юз берган.

Рус олими В.Н.Квашииснинг келтирган маълумотларига кўра, АҚШда кейинги 25 йил мобайнида ўлим жазосига нотўғри ҳукм қилинганлиги туфайли 100 киши мазкур жазони ижро этишдан озод қилинган¹.

Бошқа ҳар қандай жиноий жазога ҳукм қилишда хатога йўл қўйилганликни тузатиш мумкин, аммо ижро этилган ўлим жазоси юзасидан йўл қўйилган хатони тузатиб бўлмайди.

2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазоси Жиноят қонунидан батамом чиқариб ташланиб, ўрнига узоқ муддатли ёки умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси киритилади.

Жиноят қонунига киритилган бундай жиддий ўзгартириш Ўзбекистон Жиноят қонунининг инсонпарварлик принципини янада оширади ва Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўйини янада оширишига хизмат қилади.

¹ Квашиис В.Н Смертная казнь в США 25 лет после мораторий “Юридический мир”, №10, 2002,- С.24.